# ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

*Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиклаштирувчи кенгашининг 2024 йил 25 декабрдаги 46-сонли баённомаси асосида тасдиқланган. Амал қилиш муддати 2027 йил гача*

| | |
|---|---|
| **Таълим муассасаси номи** | Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази |
| **Кафедра/ бўлим** | Ижтимоий тиббиёт |
| **Ўқув дастур номи** | “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизаси” |
| **Ўқиш тури** | Умумий малака ошириш |
| **Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари** | Инаков А.К., Миралимов М.М., Нажмитдинов Ж.Ю., Абзалова М.Х. |
| **Циклнинг умумий соати** | 72 кредит |

**Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар**

| | | | |
|---|---|---|---|
|  д.м.н., профессор Инаков А.К. |  т.ф.н., доцент Нажмитдинов Ж.Ю |  т.ф.н., доцент Абзалова М.Х. |  т.ф.н, доцент Миралимов М.М. |

| | |
|---|---|
| **Мақсад** | Врач-экспертни професcионал компетенцияларини такомиллаштириш, етук, баркамол, соғлом ва илғор шифокор шахсини шакллантириш хамда ижтимоий соха вакиллари онгига соғлом ҳаёт турмуш тарзи чора-тадбирларини амалиётга жорий қилиш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини мукаммаллаштириш ва янгилашдан иборат.<br>Врач-экспертда амбулатор ва стационар шароитида касалликларни ва ногиронларни клиник-эксперт ташхислаш, реабилитация потенциалини аниқлаш, даволаш ва тиббий, ижтимоий ҳамда касбий реабилитация қилиш, аҳоли саломатлигини баҳолашда сон ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш бўйича назарий билим ва солохиятини оширишдан иборат. |

| | |
|---|---|
| **Циклга таклиф қилинган мутахасисслар - контингент** | Ўқув дастур стационар, амбулатория, санатория-профилактория, реабилитация марказлари ва бошқа тиббий Давлат ва нодавлат муассасалари умумий амалиёт врачлари, тор мутахассислар, врачлик маслаҳат комиссияси аъзолари, реабилитация марказлари врачлари ва ТИЭК врач-экспертларига мўлжалланган. |
| **Цикл вазифалари** | - Тиббий ижтимоий экспертизаси (ТИЭ) нинг ҳозирги замондаги ҳолати ва вазифалари асосларини ўзлаштириш;<br>- касалланиш ва ногиронлик таркибида юқори миқёсга ҳамда ТИЭ амалиёти ва тиббий-ижтимоий реабилитация (ТИР) учун улкан аҳамиятга эга бўлган хасталикларда касалланиш, ногиронлик ва уларни профилактикаси;<br>- Тиббий ижтимоий экспертизасида республикада қабул килинган меёрий хужжатларга асосан шахсни ҳаёт фаолиятини чекланишини асосли аниқлаш, ногиронлик гуруҳларини, сабабларини ва муддатларини тўғри белгилаш ва уларга реабилитация чоралари ва ҳимоя усулларини моҳиятини тушунтириш;<br>- тиббий, ижтимоий, касбий реабилитация, шу жумладан ишга жойлаштиришнинг ҳозирги замон долзарб масалаларини ёритиб беришдан иборат.<br>Тингловчилар учун циклнинг тегишли дастурини чуқур ва янгиланган тўлиқ ўқитишга имкон берувчи доимий, тизимли, изчил ва бошқариладиган ўқув жараёнини ташкил этиш. |
| **Цикл таркиби** | 1-модул. “Ижтимоий тиббиёт” тушунчаси ва унга оид меъёрий хужжатлар..<br>2-модул. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасини (ВМЛЭ) фаолиятини ташкил қилиш<br>3-модул. Тиббий-ижтимоий экспертиза хизматини ташкил қилиш<br>4-модул. Ҳаёт фаолиятини чекланиши (ХФЧ)ни аниқлаш мезонлари<br>5-модул. Ногиронлар учун ижтимоий ҳимоя чораларини белгилаш<br>6-модул. Ногиронларни тиббий ижтимоий реабилитация қилиш |

Ўқув базалари:
1. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази
2. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати
3. “Нуроний” санаторияси
4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани 2-сон оилавий поликлиникаси
5. Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани 8-сон оилавий поликлиникаси
6. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ТИЭКлари
7. Тошкент шаҳри 101-сон ТИЭКси
8. Тошкент вилояти 75-сон Бош ТИЭКси












**Симуляцион асбоб/ускуналар**









